

9-10-2020

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЙОРАТНИЙ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ

Gulasal Abdukunduzovna, Berdalieva  
*Doctor of Philosophy in Pedagogy (PhD)*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Berdalieva, Gulasal Abdukunduzovna, (2020) "МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ  
ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЙОРАТНИЙ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ," *Scientific Bulletin of  
Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 55.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/55>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЙОРАТНИЙ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ  
КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Бердалиева Гуласал Абдукундузовна,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
МТМРМҚТМОИ мустақил изланувчиси

**Аннотация :** Мақолада мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг педагогик компетентлиги, мураккаб топшириқларни бажаришда зарур маълумотлардан моҳирлик билан фойдаланиши, узлуксиз равишда ўз устида ишлаши, ўз билим, кўникма ва малакаларини изчил равишда такомиллаштириб боришининг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти масалалари ёритилган .

**Таянч ибора ва сўзлар:** мактабгача таълим ташкилоти, тарбиячи компетентлиги, шахс фаолияти ва маданияти, инновация, янги педагогик технологияларни ўзлаштириш.

Бердалиева Гуласал Абдукундузовна,  
доктор философии по педагогике (PhD)

**Аннотация ;** В статье рассматриваются вопросы педагогической компетентности воспитателя дошкольного образования, умелого использования информации, необходимой для решения сложных задач, постоянного самосовершенствования, постоянного совершенствования своих знаний, умений и навыков в повышении эффективности обучения.

**Ключевые слова и фразы:** организация дошкольного образования, компетентность педагога, личностная активность и культура, инновации, освоение новых педагогических технологий.

Berdalievа Gulasal Abdukunduzovna,  
Doctor of Philosophy in Pedagogy (PhD)

**Abstract** This article includes itself the issues of pedagogical competence of preschool education, skillful usage of information which is necessary to solve complex tasks, permanent self-improvement and knowledge enrichment of preschool teachers, including their educational skills improvement and betterment of training effectiveness.

**Key words and phrases:** organization of preschool education, pre-school teacher competence, personal activity and culture, innovations, learning new pedagogical technologies.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг педагогик компетентлиги ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳар қандай йўналишдаги меҳнат бозорида ўзига муносиб ўринни эгаллаш учун ҳар бир мутахассисдан рақобатбардошлик талаб қилинади. Бу ўз навбатида барча соҳалар ходимларидан касбий компетентликни тақозо этса, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисидан икки қарра мукамаллик талаб қилинади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг болалар олдигаги обрў-эътибори баланд бўлиши учун

у компетентлиликни педагогик ҳамкорлик билан уйғунлаштира билиши мақсадга мувофиқдир.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисига хос бўлган асосий фазилатлардан бири компетентлилик (лотинча *competence* сўзидан олинган бўлиб муносиб, мос, керакли, лаёқатли, биладиган маъноларини англатади) ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, у шахс томонидан ҳаётнинг муайян тармоқларида самарали фаолият юритиш учун зарур бўладиган билим, кўникма, малака ва тажриба мавжудлигини англатадиган тушунчадир.

Компетентлилик, яъни компетенцияга эгалик одамнинг муайян соҳаларда самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва тажрибага эгаллиги билан унинг шахслик сифатлари ўртасидаги уйғунлик мавжудлигини англатадиган тушунчадир [2].

Тарбиячининг компетентлилиги унинг ўз соҳасидаги амалий имкониятлари ва малакавий даражасида намоён бўлади. Яъни ҳар қандай шахсда мавжуд бўлган *уйғотиладиган* имкониятнинг *маҳсулдор* имкониятга айлантирилишини уддалашида кўзга ташланади.

“Компетентлилик” атамаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Бу тушунча руҳшунослар наздида ҳар қандай мутахассиснинг ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолатларда вазиятга мос мулоқот йўллари топа билиши, рақиблар ёки шериклар билан ўзаро муносабатларда янги усулларни қўллай олиши, мураккаб топшириқларни бажаришда зарур маълумотлардан билгичлик билан фойдаланиши, узлуксиз равишда ўз устида ишлаши, ўз билим, кўникма ва малакаларини изчил равишда такомиллаштириб боришини англатади.

Касбий компетентлиликнинг, хусусан, тарбиячининг компетентлилиги даражаси қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб вазиятлар вужудга келганда;
- фавқулудда вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан ўрни билан фойдаланишда.

Касбий компетенцияга эга бўлишга интилган мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси:

- педагогика ва психология илмидаги янгиликлар асосида ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- соҳага дахлдор янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Кейинги пайтларда жаҳон таълим амалиёти, шу жумладан мамлакатимиз мактабгача таълим тизимида болаларни компетентли қилиб тайёрлаш асосий вазифалардан бирига айланди. Негаки, компетентлилик ўзида:

- таълим жараёнида шахснинг интеллектуал ва амалий жиҳатларини уйғунлаштиради;
- таълим мазмунини ўзлаштиришнинг давлат талаблари бўйича қандай натижага олиб келишини билдирувчи кўрсаткичларни акс эттиради;

- шахс фаолияти ва маданиятининг бир ёки бир-бирига яқин қатор соҳалари интеграцияси даражасини намойиш этади.

Булардан ташқари, дунёнинг глобаллашуви келажак мутахассисларининг энди биргина мамлакат ҳудудида эмас, балки дунёнинг исталган мамлакатада яшаб, фаолият кўрсатиши, рақобатбардош бўлиши учун ҳар жиҳатдан компетентли бўлишини тақозо этмоқда.

Тарбиячининг асосий касбий вазифаси болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратишдир. Бунинг учун тарбиячи қуйидаги қобилият ва малакаларга эга бўлиши керак:

- ҳар бир боланинг ҳис-туйғуларига ва эҳтиёжларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

- ҳар бир бола билан индивидуал мулоқот қилиш;

- болаларнинг фаолиятни, фаолият иштирокчиларини эркин танлашлари учун шароит яратиш;

- болалар учун қарор қабул қилиш, ўз ҳис-туйғуларини ва фикрларини ифода этиш учун шароит яратиш қобилияти;

- турли тадбирларда болалар ташаббуси ва мустақиллигини қўллаб-қувватлаш;

- болалар ўртасида ижобий, дўстона муносабатлар, шу жумладан турли миллий-маданий, диний жамоалар ва ижтимоий қатламларга мансуб бўлганлар, шунингдек соғлиқнинг турли хил (шу жумладан чекланган) имкониятларига эга бўлишлари учун шароитлар яратиш;

- тенгдошлар билан низоли вазиятларни ҳал қилишга имкон берадиган болаларнинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;

- фаолиятнинг маданий воситаларини ўзлаштириш учун шарт-шароитларни яратиш;

- фикрлаш, нутқ, алоқа, тасаввур ва болалар ижодини ривожлантириш, болаларнинг шахсий, жисмоний ва бадиий ва эстетик ривожланишига ҳисса қўшадиган тадбирларни ташкил этиш;

- ҳар бир боланинг индивидуал ривожланишини баҳолаш қобилияти,

- болаларни тарбиялаш масалалари бўйича ота-оналар билан ўзаро алоқада бўлиш, уларни тарбиявий ишларга жалб қилиш, шу жумладан оила билан ҳамкорликда таълим лойиҳаларини яратиш кабилардир.

Ушбу қобилиятларга эга бўлиш учун олий ва касбий таълим муассасаларида бир марта олинган билим етарли эмас. Тарбиячи ўзининг касбий маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориши керак.

Келинг, тарбиячи ривожланишининг асосий йўллари ажратиб кўрайлик:

- малака ошириш курслари (масофавий, модулли кредит, қисқа муддатли )

- инновация, янги педагогик технологияларни ўзлаштириш;

- педагогик танловлар, анжуманлар, маҳорат дарсларида фаол иштирок этиш;

- услубий бирлашмаларда қатнашиб тажриба алмашиш;

- ахборот оқимини кузатиб, сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш;

- ўз педагогик тажрибасини таҳлил қилиб умумлаштириш ва энг муҳими, ўз устида доимий ишлаш.

Ўз устида ишлаш - узлуксиз таълим тизимининг ажралмас қисми - асосий таълим ва даврий тайёргарлик ўртасидаги боғлиқлик вазифасини бажаради.

Аксарият педагоглар мустақил равишда ўз касбий маҳоратини ошира олмайдилар (баъзи ҳолларда буни хоҳламайдилар). Ташқи омиллар (иш ҳақи, моддий-техникавий воситалар, ишнинг ҳаддан ташқари оғирлиги, маиший қийинчиликлар ва бошқалар) таъсир қилади, аммо субъектив сабаблар ҳам тарбиячиларнинг ўзига боғлиқ. Уларда баъзан қатъиятлилик, ўз-ўзини ўқитиш қобилияти етарли эмас.

Шунинг учун ўз устида ишлашнинг муҳимлигини тушуниш ва ривожланишга интилиш жуда муҳимдир. К. И. Чуковский айтганидек: "Фақат ўзингизнинг хоҳиш-эҳтиросингиз асосида эгаллаган билим кучли ва қимматлидир ..."<sup>1</sup>.

Ўз-ўзини тарбиялаш - бу шахснинг ўзи бошқарадиган, ҳар қандай соҳада тизимли билимларни эгаллашга йўналтирилган билим фаолияти. [педагогик лугат].

Ўз-ўзини тарбиялашнинг турли шакллари мавжуд. Уларнинг асосийлари: адабиётларни ўрганиш, интернетдаги маълумотларни кўриб чиқиш, маърузалар, маслаҳатларни тинглаш, вебинар, семинар, конференция, тренингларда, шунингдек маҳорат дарсларида қатнашиш.

Компютерлаштириш даври келганига қарамай, китоб ҳали ҳам асосий ёрдамчилардан бири бўлиб қолмоқда. Тарбиячилар доимий равишда илмий ва бадиий адабиётлар билан ишлаши зарур

Китоб билан ишлашнинг бир неча усуллари мавжуд:

- ўқиш - кўриш,
- танлаб ўқиш,
- тўлиқ ўқиш

Китобларни ўқиш пайтида тарбиячилар луғатлар, энциклопедиялар, маълумотномалардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

Бир манбадан олинган маълумот бошқасининг маълумотлари билан тўлдирилиши жуда муҳимдир. Бу тарбиячини таққослашга, таҳлил қилишга, хулоса чиқаришга, бирон бир масала бўйича ўз фикрини шакллантиришга мажбур қилади. Олинган маълумотларни, фактларни, билимларни тўплаш, сақлаш имконияти ва қобилиятига эга бўлиш жуда муҳимдир.

Ўз-ўзини ўқитиш бўйича ишларнинг маълум бир алгоритмини шакллантириш керак:

- мавзуларни танлаш,
- мақсад ва вазифаларни аниқлаш,
- иш режасини тузиш,
- мавзу бўйича ишлашни танлаш,
- натижаларни таҳлил қилиш.

Ўз-ўзини тарбиялаш бўйича тўғри ташкил этилган иш тарбиячининг касбий маҳорати ва шахсий ривожланишига туртки бўлиши керак .

Мақтабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг компетентлиги дастурда ўрганиш учун тақдим этилган асарлардаги болалар руҳиятининг соғломлашувига

ижобий таъсир кўрсата оладиган, уларни маънавий камолот сари етаклайдиган, ривожлантирадиган жиҳатларни илгай билиши, улардан машғулот жараёнида ҳар бир боланинг табиатига мос равишда фойдалана олишини назарда тутди.

Бундан ташқари, таълим жараёнига сингиб бораётган “технология” атамаси ўқиш ва ўқитишнинг ўзаро узвийлик ва алоқадорлик босқичларини ажратиш, таълим-тарбия жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бажариладиган ишларни мувофиқлаштириш, уларнинг босқичма-босқичлилиги ҳамда кетма-кетлилигини таъминлаш, режалаштирилган барча ишларнинг талаб даражасида бажарилишини англади. Яъни машғулотларда сифатли таълим бериш санъати, маҳорати маъноларини ифодалайди. Таълим амалиётида ўқитишнинг турфа технологиялари мавжуд бўлиб, улардан бири ҳамкорликка асосланган технологиядир. Моҳир тарбиячи билан таълим олувчи ҳамкорлигини ташкил этиш муаммоси барча даврларда ҳам ўта долзарб масалалардан бўлиб, мазкур ҳамкорликнинг назарий асослари педагогик синергетика доирасида тадқиқ этилган. Бу таълим берувчи учун ҳам, таълим олувчи учун ҳам ўз фаолиятини мустақил тарзда ташкил этишга оид назарий ёндашув, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигини туғри ташкил этиш билан боғлиқ янги дунёқарашдир.

Синергетика (юнонча синергеиа – ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) – тизимларнинг ўз-ўзини мустақил тарзда ташкил этиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, номунтазам ходисаларни ўрганиш, дунёвий ходисаларни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур усулидир[1, ]

Синергетика, яъни ҳамкорлик илмий йўналиш сифатида XX асрнинг 60 – 70-йилларида шаклланган. XXI асрда пайдо бўлган педагогик синергетикани эса таълим-тарбия жараёнининг субъектлари ҳамкорлигини англашга кўмаклашадиган назарий-амалий ёндашув сифатида талқин этиш ўринлидир.

Педагогик ҳамкорлик жараён субъектлари учун ўзлигини намоён қилиш имкониятидирки, унда тарбиячи билан болаларнинг ўзаро ҳамкорлиги: боланинг эркинлиги; ижодкорлиги; бу жараёнда тартибсизликнинг намоён бўлиши сингари жиҳатларни кўзда тутди.

Ўз устида ишлаш ва педагогик ҳамкорлик касбий маҳоратни ривожлантириш йўлидаги биринчи қадамдир. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси саъй-ҳаракатларининг натижаси болалар билан ишлашни яхшилаш, янги тажрибани туғдириш учун шароит яратишдир.

Хулоса қилиб айтганда, фақат ўз-ўзини тарбиялаш ва ижодий изланиш орқали тарбиячи ўз маҳоратига эришади. Касбий компетенцияни шакллантириш тарбиячиларга касбий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усуллари танлашга, касбий вазифаларни ижодий бажаришга, маҳоратини оширишга, рақобатдошликни шакллантиришга ва энг муҳими мактабгача таълим сифатини оширишга имкон беради.



46	Қалбимизга яқин одамлар Тўйчиев А.Х. ....	268
47	Ўзбек тилшунослиги атамалари тарихидан Бобомуродова Ш.Э. ....	272
48	Таржимашуносликда экзотизм тушунчаси ва унинг тавсифи ҳақида Дехқонов И. ....	277
	<b>13.00.00</b>	
	<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b> <b>ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b> <b>PEDAGOGICAL SCIENCES</b>	
49	Олимпия таълими дастурларининг мазмуни Мамажонов Д.А, Тураев В.Б. ....	282
50	On the questions of improving the professional skills of the teacher Rakhmatova O. ....	290
51	Formation of professional competence of biology students in english classroom Yuldasheva M. B. ....	294
52	Илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-педагогик хусусиятлари Абдурасулов А.А. ....	298
53	Бўлажак муҳандисларнинг илмий-тадқиқот компетентлигини шакллантириш жараёнини моделлаштириш Ахмедов А.Б. ....	303
54	Ал Хоразмийнинг меросни тақсимлаш ҳақидаги қарашлари ва унинг ++builder алгоритмик тилидаги дастури Арипов М.М.,Орипова У. ....	308
55	Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий маҳоратини ошириш йўллари Бердалиева Г.А. ....	315
56	Ажиниёз шоир ижодида фалсафа ва дунёқараш Таспанова Ж.К. ....	320
57	Некоторые аспекты в подготовке детей дошкольного возраста к программированию Икромова М.Н. ....	326
58	Бўлажак дастурчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий воситалар имкониятларидан фойдаланиш методикаси Тўраев М.Ф. ....	332
59	Maple tizimi yordamida tekislikda vektorlarni qo'shishning animatsiya usulidan foydalanib talabalarning matematik kompetentligini rivojlantirish orqali o'qitishning sifat va samaradorligini oshirish Mirzakarimov E. M, Fayzullayev J. I. ....	337
60	Ўзбекистон-япония таълим тизими ривожланиш истиқболлари Хошимов Ф.Ф. Эгамбердиева Р. Файзуллаева М.Ф. ....	343